



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 26 октябр, жума № 167 (1181)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«Корасу» ширкат ҳужалиги ўн беш йилдирки давлатга пахта топшириш шартномавий режасини Урта Чирчиқ туманида биринчилардан бўлиб бажариб келади. Ҳужалик касабаси уюшма кўмитаси раиси Хамиджон Митанов бунинг сабабини қуйидагича изоҳлайди:

БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

— Қаердаки меҳнаткашнинг ҳақи талабига кулоқ солинса, унга меҳнат ва дам олиш шароити яратиб берилса, бугунги пешона тери эвазига моддий ёки маънавий рағбат олса иш бир маромда кетишини кўп мартадан сингирган ўтказганмиз. Муваффақиятга эришининг биринчи омили эса ишловчилар соғлигини мустаҳкам муҳофаза этишга боғлиқдир. Узингиз ўйланг, агар деҳқон ботоб бўлса ишга чиқолмайди, унинг хонадониди ҳам ташвиш кўпайиб ҳаловат йўқолади. Шу боис ҳужалик маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитамиз ширкат аъзолари саломатлигини доимий равишда мустаҳкамлаб бориш масаласини жамоа шартномасига киритганмиз. Унга мувофиқ ҳар йили экиш-тиқиш мавсуми олдидан 22 нафар киши Қўйлиқдаги 56-табаза сийхатгоҳида ҳам доволаниб, ҳам дам олади. Тегишли маблағ аввалдан ўтказиб қўйлади. Тиббиёт маскани довланувчиларга энг зарур шарт-шароитлар яратиб бергани учун ҳам бизга манзур. Бундан ташқари, ҳар йили ҳам таъминланганлардан 6 киши ёки ногиронлардан икки нафари «Бурчмулла» сийхатгоҳига йўланган. Тўловлар касабакўми хисобидан.

Туман агрономот маъмуи ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси Муҳаммадхон Отақулнинг таъкидлашича, ушбу кўрсаткич ҳудуддаги бошқа ҳужаликларга нисбатан энг юқори даражада.

— Ҳужаликда ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларида фойдаланилаётгани ибратлидир, дейди у. — Жумладан, жорий йилнинг ўзида 2 тонна пахта терганларга 150 килограмдан бугдой мукофот сифатида берилди. Бундай ҳимоматга сазовор бўлганлар 151 нафар кишини ташкил этди. Худудда яшовчи, аммо ширкат аъзоси бўлмаганларни теримга кенг жалб қилиш мақсадида режадан ташқари 400 килограмм хом ашё терганларнинг ҳар бири 5 килограмдан пахта ёғи олди. Йиллик шартномавий режасининг 131 дан 153 фоизгача бажарган Обид Нигматиллаев, Абдували Парпиев, Ж.Парпиевлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатга муносиб кўрилди. Жонбозлик кўрсатиб ишлаганлар эса кунига хатто 6-7 минг сўмдан даромад қилдилар...

Ижтимоий ҳимоянинг бундай шаклини ҳужалик пиллакорлари меҳнатини тақдирлаш билан боғлиқ тадбирлар инъикосида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, давлатга сотилган ҳар килограмм пилла эвазига миришкор 5 килограмм бугдой билан тақдирланди. Кўриниб турибдики, юз килограмм хом ашё топширган пиллакор ярим тонна бугдойга эга бўлди. Агар ана шундай рағбат ва муруватларни рақамларга айлантурсак, унда амалдаги йилда жамоа аъзоларига жами 261 тонна бугдой бепул, 23 банка ўсимлик мойи эса арзон нархда берилган бўлиб чиқади. Бу, бизнингча, анчагина салмоқли кўрсаткичдир.

— Ҳужаликда ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларида фойдаланилаётгани ибратлидир, дейди у.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА АЛМАШУВ КУРСЛАРИНИ БИРХИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Валюта сисъатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш, қатнашчилар сонини кенгайтириш ҳамда банкларро савдо сессияларида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида, шунингдек валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби ва хисоботини юритиш, ташқи савдо операциялари бўйича боғжона тўловлари ва хисобларини хисоблаб чиқариш тартибини мақбуллаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг чет эл валютасига талаб ва тақлифдан, уни сотиб олиш ва сотишдан келиб

ёки унинг қаролати остида 2001 йил 1 июлгача жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш; корхоналарнинг марказлаштирилган ресурсларни экспорт қилиш хисобига тушадиган валюта тушумларини мажбурий сотиш операциялари бўйича эркин курсга ўтказиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ҳудудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистика хисоботи ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек боғжона тўловларини ва бошқа мажбурий тўловларни хисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биржадан ташқари валюта бозоридagi алмашув курсини, пул массаси ва инфляция даражасини хисобга олган ҳолда белгиланган курси бўйича амалга оширилади.

да чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия хисоботида, статистика хисоботида ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар ҳамда ҳужалик юритувчи субъектларга etkazсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргалик-

да икки ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азиев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2001 йил 25 октябр

И.КАРИМОВ

СУРХОНДАРЁНИНГ ОЛТИНРАНГ УЗУМИ

Бу йил воҳа соҳибкорлари учун барақали келди. Бог-роғларда, тоқзорларда қунонам ҳосил етилдики, кўриб кўзингиз қувнайдми. Айниқса, Олтинсой туманидаги «Олтинсой» ширкат ҳужалигида бўлсангиз бог-бону соҳибкорлар химматига балли дейсиз. Эл дастурхонига тортиқ этилган ширин-шарбат узумлар ўзининг юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Ҳужалик миришкорлари бу йил ҳар қачонгидан кўп даромад оламиз, деб туришибди.

Суратларда: илгор ишчилар Софийахон Пардаева ва Шахноза Хўжамкулова; ижарачи Алишер Қурбонов ҳосил чўғидан мамнун.

Т. ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.



Долзарб мавзу

Жаҳолатни фақат нафрат билан енгиб бўлмайди. Бу борадаги энг тўғри йўл барча замонларда ҳам ҳар бир кишида инсоний буюқ фазилатларни шакллантириш, башариёт маънавиятини энг олий даражага кўтариш, бошқача қилиб айтганда, дунёқараш ва тафаккур мезонлари савиясини назардан четда қолдирмаслик бўлиб келган.

ЭЪТИҚОДИМИЗ БИЛАН ҚУДРАТЛИМИЗ

Мустақиллик йилларида халқимизнинг азалий урф-одатларини тиклаш, бой тарихий меросларимизни ўрганиш, ёшларимиз қалби ва шурига ватанпарварлик ва миллийлик руҳини сингдириш жабҳасида улкан ишлар қилинди. Зотан, айни пайтда ўша маънавий ва маърифий ислохотлар самараси кўзга яққол ташланиб турибди. Бирок, бу борада кишини ташвишга соладиган ҳолатларнинг ҳам учраб турганини асло сир эмас.

Ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, жамиятда тутган ўрни, унинг салоҳияти миллий маънавият билан белги-лангани шубҳасиздир. Қалби ва аймони эзгу эътиқодга боғланган инсон, одамийлик мезонларини бузолмайди. Таассуфки, қора ниятли кишилар бор экан, замондошларимиз аввало оғоҳу хушёр бўлмоқлари лозим. Юқоридаги фикрларга асосланиб, эгри йўللарга кириб кетаётганлар жамиятимизнинг бунёдкорлик ҳаётиндан ажралиб қолган бечора кимсалардир дейишимиз мумкин. Дунёда улғў мақсадлар билан яшамайдиган одам қачонлардир ўз йўлида адашиши табиий. Чунки, бундайлар бирон-бир фойдали машғулот билан банд бўлмай, умрни беҳуда соғурадилар. Шу ўринда машоихларимизнинг «Вақтни беҳуда ўтказиш ўз-ўзини ҳалокатга дучор қилишидир», — деган пурҳикмат сўзларини яна бир бор эслайлик. Бундай одамлар террорчилар учун тайёр ўлжадир. Фикримизча, терроризмнинг учта асосий йўналиши бор: Булар иқтисодий, ҳарбий ва маънавий кўпурчиликдир. Тўқнашулар давомида иқтисодий ва ҳарбий террорчилик ҳаракатлари яққол намоён бўлади. Аммо, маънавий терроризм зимдан амалга оширилганлиги боис кўпчиликнинг эътиборидан четда қолаверди. Бундай саъй-ҳаракатни илгаш дунё ҳар бир шахсда соғлом фикр, теран тафаккур, илмий дунёқараш бўлиши керак.

Терроризмнинг маънавий жиҳатлардаги ярамас кўринишлари кейинги пайтларда нималарда намоён бўлди? Биринчиси, жангариликни, шафқатсизликни тарғиб қилувчи кинофильмларга катта йўл очиб берилганлигида, деб ўйлаймиз. Бундай фильмлар «қажрамонларнинг «мардлиги», «кўркув билмаслиги» — ҳаммаси риёкорлик ва сохталикдир. Эқранга қадалиб ўтирган, ҳали фикри мустаҳкам шаклланимаган ёшлар бундай «томош»лардан маънавий озуқа ола биладими? Бизнингча, йўқ. Аксинча, унинг маънавияти дарз кетади. Шундай экан, эндиликда жойлардаги «видеосалон», «маҳаллий телевидение»лар фаолиятларини назорат остига олиш вақти келмадимикин? Бизнингча, жойлардаги маданият муассасалари, бошқармалар шу ишга масъул эмасмилар?

Иккинчидан, хоридан келтирилётган нашрлар ҳам маънавиятимизга шикаст etkazмоқда. Уларда чоп этилган беҳаё суратлар, ахлоқсизликни тарғиб этувчи бетамиз тафсилотлар, шармандаларча баён этилган матилар ўсмирлар онгига, албатта, салбий таъсир этиши турган гап. «Внезапона», «Ингим», «Кремлинская хроника» каби нашрларни варақласангиз, юқоридаги фикрларнинг ростлигига амин бўласиз.

Учинчи иллат тибҳавандлик ва бекорчиликдир. Қилар ишининг тайини йўқ одамнинг муҳтожлиги катта бўлади. Бинобарин, у талвасида ҳар қандай пасткашликка қўл уриши мумкин. Бундайлар қора ниятли кимсалар домига иланиши мумкинку, ахир!

Хўш, нима қилиш керак? Бизнингча, ҳаммамиз бир бўлиб, ёшларимизда меҳнатга, ижодга, орзу-ҳавасга, олий мақсад билан яшашга эҳтиёж ўйотишимиз даркор. Бир сўз билан айтганда, буларнинг ҳаммасига фақат тарбиявий воситалар йўли билангина эришилади. Аллома Абдулла Авлоний бу масалдада «Е ҳаёт, ё момот» деган ширини олға сурганини бежиз эмас эди. Ана шу нуқтан назардан келиб чиқиб, ҳаммамиз халқимиз, Ватанимиз, давлатимиз, истиқлолимиз, истиқболимиз олдидаги бурчларимизни виждонан адо этишимиз лозим.

РУСТАМ ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ - МУҲИМ ВАЗИФА

Республика таълим марказида халқаро террорчиликнинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда ўқитувчи-муаллимлар олдида турган вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Уни Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти билан ҳамкорликда ташкил этди.

Пойтахтимиздаги ўрта умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ижтимоий фанлар

ўқитувчилари иштирок этган мазкур анжуманда халқаро майдонда содир бўлаётган сўнгги воқеаларга эътибор қаратилди. Жумладан, Афғонистонда амалга оширилаётган аксил-террор операциясида Ўзбекистоннинг иштироки хусусида бир қатор хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган уйдирма ахборотлардан қўзланган ноҳолис мақсадларнинг асл моҳиятини ёшларга тўғри etkazишда ўқитувчилар фаолигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

(УЗА).

Сўнгги хабарлар оқимидан

«ШИМОЛЛИКЛАР» ХУЖУМА ҚИЛДИ

АҚШ ҳарбий самолётлари «толибон»ларга зарба бера бошлаганидан буён биринчи марта бевосита Қўбул остоналарини бомбардимон қилдилар. Бундан мақсад қуруқликда ҳужум қиладиган қисмлар учун йўл очиб бериш эди. Орадан кўп ўтмай бомбалар бевосита пойтахтнинг ўзига туша бошлади. Дастлаб бешта бомба портлади. «Шимолликлар» ўз «пойтахтлари» Мозори-Шариф шаҳридан ҳужумни авж олдиришга киришдилар.

Шу орада Буюк Британия Афғонистонга минг нафарга яқин аскарларини юбориш тарудду-

ГАЗАНДАЛАРГА 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Россия махсус хизмат ходимларининг маълумотларига қараганда, Чеченистондаги газандалар гуруҳлари яқинда 1-сонли террорчи Усама бин Ладиндан 10 миллион доллар миқдорда «ёрдам пули» олганлар. Федерал кучларнинг бирлашган қўмондонлиги юқоридаги ҳолат муносабати билан қаллақасар жангарилар тез орада ўз хатти-ҳаракатларини фаоллаштиришлари мумкин, деб хисобламоқда. Испанияда чиқадиган «Эл-Мундо» газетаси таҳминича, чечен террорчиларига берилган мазкур маблағлар халқаро экстремистик ташкилот

МАҚСАД - АФҒОН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош қотибининг ўринбосари Кензо Ошима бошчилигидаги делегация аъзолари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Делегациянинг Марказий Осиё минтақасидаги миссиясидан қўзланган мақсад халқаро ҳамжамият томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида Афғонистон халқи учун ажратилаётган зарур маҳсулотларни манзилга etkazишда Ўзбекистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон билан ҳамкорлик масалаларини яна бир қарра мувофиқлаштириб олишдан иборат. Қуни кеча Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокараларда айни шу масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг уруш исканжасида азоб чекаётган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди.

Матбуот анжуманида К.Ошима ўтказган музокарали ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон БМТ бу хайрли ишни амалга ошириши учун мамлакат ҳудудидан фойдаланишига рози бўлганини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Режага кўра, юқлар Афғонистон заминига Термиз шаҳри орқали ўтказилади. Шунингдек, БМТга қарашли транспорт самолётлари Термиз аэропортидан ҳам фойдаланади. Бирок, ҳали бу операцияни амалга оширишнинг тўлиқ механизми ишлаб чиқилганича йўқ. Шу боис, унинг муддати ҳам маълум эмас. БМТ вакилларининг айтишича, озик-овқат ва кийим-кечакни иложи борича тезроқ, қиш киргунга қадар

(УЗА).

«Ал-Қоида» томонидан Американинг эскирган 75 та «Томагавк» ракеталарини сотишдан йилгилган бўлиши мумкин.

АНЖУМАН АРАФАСИДА

Оттава. 17 ноябр куни Канада пойтахтида қатор давлатлар молия вазирлари ва марказий банклари бошлиқлари учрашди, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан пойтахт маъмурияти анжуман арафасида шаҳарда хавфсизлик чораларини кучайтириш ниятида эканликларини айтдилар.

СТАНЦИЯ МИРРИХ ОРБИТАСИДА

Американинг «Марс одисси — 2001» сайёраларо станцияси ўтган чоршанба куни 460 миллион километр масофани босиб ўтиб, Мирррих орбитасига чиқди. Бу ҳақда АҚШ аэронавтика ва коинот бўшлиқ-

ПУЛ ВА МАРКА ЎҒИРЛАРИ

Япониянинг Кобе шаҳрида номтаълим кишилар пошта бўлимидан умумий қиймати 162,35 миллион иенга тенг бўлган маркаларни ўғирлаб кетдилар. Полициячилар гапларига қараганда, бундан ташқари 350 миллион иен миқдорда нақд пул ҳам йўқолган. Ўғирлар пошта биноси эшигини оддий мисранг билан бузиб киришган.

«Интернет» ва жаҳон оммавий ахборот воситалари асосида тайёрланди.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ОСОНМАС

(Боши 1-бетда)

— Ҳар қандай тадбир — у катта ё кичик бўлишидан қатъий назар, касаба уюшма кўмитаси иштирокисиз амалга оширилмайдиган, суҳбатга қўшилиди, ҳужжатлар беш қўлига бўлиниши керак, деб ўйлаймиз. У ҳақида қўмитанинг маълумоти бўлиши керак, деб ўйлаймиз. У ҳақида қўмитанинг маълумоти бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

— Ҳар қандай тадбир — у катта ё кичик бўлишидан қатъий назар, касаба уюшма кўмитаси иштирокисиз амалга оширилмайдиган, суҳбатга қўшилиди, ҳужжатлар беш қўлига бўлиниши керак, деб ўйлаймиз. У ҳақида қўмитанинг маълумоти бўлиши керак, деб ўйлаймиз. У ҳақида қўмитанинг маълумоти бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Илдан-йилга кўпайиб бораётган. Бу — аниқ мундоқ. Маъмурият билан касабакўм ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, уларни баҳоли қудрат моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришга қарор қилишди. Унга кўра ҳар бир ишловчига арзон нархда 50-60 зичланган сомон, жами 243 тонна кунжага, 56 тонна шунча тарқатилди, томоғи учун 10 сотихдан ер бўлиб берилди. Шундан кейин ер эгалари чорва моллари учун озуқа, сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштириб, қишга гамлаш, ортиқчасини эса бозорда сотиш имкониятига эга бўлишди.

Ҳўжалик ҳудудидан яшавтган 22 нафар ногирон ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб туриш ҳам жамоа шартномасига алоҳида бандлар қилиб киритилган. Унга мувофиқ ногиронлар йилга қатъий белгиланган муддатларда — тўққиз хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилибди. Чорва моллар учун озуқа тарқатилаётганда эса улар биринчи бўлиб эсланади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, техника кучидан унумли фойдаланиш «корасув»ликларга хос одат. Айниқса, бу йилги экин-тикин мавсумида уларни таъмирлашга чўққур масъулият билан ёндошилди. Шундай пайтларда 40 нафарга яқин таъмирчиға бепул иссиқ овуқат тортилди. Зиммадаги топшириқни муддатидан олдин удалаганларга қўшимча иш ҳақи тўланди. Пахта йиғим-терим мавсумида эса меҳаник ҳайдовчилар ўрта-



Бор бўл, оқибат!

БИР КЎНГИЛ ИМОРАТИ

МИНГ МАККА ЗИЁРАТИ

Халқимизда «Бир ўқис кўнгили овламоқ, минг марта Маккаи зиёрат қилган билан бабаробар» деган нақл бор. Дарҳақиқат, шундай. Китоб туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалигининг «Кўрғонча» қишлоғида яшовчи Норҳол опа Хусайнова қарийб 20 йил хўжалиқда самарали меҳнат қилди. Қасаллиги туфайли икки оёғи ишламай, ётиб қолди. Аини пайтда собиқ ишчида хўжалик раҳбарлари хабар олиб, зарур ёрдамларини аямаяпти.

Ҳўжалик асосан боғдорчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, узум етиштирилади. Тоғли ҳудудларда деҳқончилик қилаётган боғбон соҳибкорларнинг самарали меҳнат эвазига йилдан-йилга даромадлари ошиб бормоқда. Шунинг ҳисобига қишлоқлар ободонлаштирилиб, хонадонларга табиий газ ўтказилмоқда. Хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси

Раҳматилло Ортиқовнинг таъкидлашича, кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар жамоа раҳбарияти ҳамда касаба уюшма кўмитасининг доимий қўллаб-қувватлаши керак, деб ўйлаймиз. У ҳақида қўмитанинг маълумоти бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда.

лар аравачасини беришганидан буён маҳалла кўйга арлашадиган бўлдим. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда.

Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда.

лотларимиз нафақат республика, балки Россия бозорларида ҳам сотилмоқда. Оилавий ижарачилар режадан ортиқ топширган маҳсулотларини эркин сотишлари натижасида моддий манфаатдорлик ортмоқда.

Келгусида топиладиган қўшимча даромад эвазига қишлоқда табиий пункт қуриш режалаштирилган. Шунингдек, шу ҳисобдан кам даромадли оилаларга моддий ёрдам бериш ҳам кўчатирилади.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири. Суратларда: Хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Р. Ортиқов газ қувурлари ўтказувчи қурувчилар билан гада-га режалар хусусида фикрлашмоқда; Норҳол Хусайнова хонадонда бўлган туман касаба уюшма кўмитаси йўриқ-чиси Гайбулло Йўлдошев опа билан унинг ҳаёти қандай кечаётганлиги хусусида суҳбатлашмоқда. Муаллиф олган суратлар.

Фармон ва ижро

Республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги Фармони Нурота туманида ҳам зўр миннатдорчилик ила қарши олинди. Қисқа фурсат ичида жазодан қўтулган 18 нафар қиши амнистияда кўзда тутилган имкониётлардан баҳраманд бўлишди.

«БИЗ ХАТОИМИЗНИ ТУШУНДИК»

Улар аввало яшаш жойларида рўйхатдан ўтказилиб, паспорт олишлари, табиий кўриқдан ўтишлари, бепул даволанишларида ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий кўнгаллашмоқда марказлари орқали муносабат қилганларнинг ҳар бирига 20.805 сўмдан моддий ёрдам берилди. Меҳнат бўлими уларни ихтисоси ва имкониёти даражасида иш ўринлари билан таъминлади. Жумладан, ўз хатосини тушуниб, ҳалол меҳнат қилишга, яшашга аҳд қилган Ойдин Избосаров туман уй-жой қурилиш бўлимига, Акбар Азимов тумандаги «Оби-ҳаёт» корхонасига, Рашид Раҳимов фермер хўжалиқлари уюшмасига ишга жойлаштирилди.

Туман ички ишлар бўлими жазодан озод этилганларнинг ҳаёти йўлини тўғри танлаб олишлариға кўмаклашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси кўнгаллашмоқда.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Қиш эшик қоқмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июндаги «Республика иқтисодий тармоқларини 2001-2002 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисидаги Қарори ижроси Гулистон шаҳрида қандай амалга ошириляётган?

КЎПҚАВАТЛИ УЙЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

«Иқтисодик манбаи», «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармалари қорли-қировли кунларда узилтишларга йўл қўймаслик мақсадида бор имкониётларини ишга солишяпти. Бу яхши, албатта. Аммо эртанги кунни ташвиш билан эсга олаётганлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, кўп қаватли уйларда иситиш тармоқларининг издан чиққанлиги, таъмирлаш эса ҳақ кимнинг эсига келмаётганлиги афсусландирди. Гапнинг очиги, ўтган қишда ваъдалар қуёқ бўлганди. Ёз келган ҳаммаси унутилди. Мана, энди яна қиш эшик қоқиб турибди. Фуқаролар мурожаатидан сўнг ахвол билан яқинроқ танишишга аҳд қилди.

Гулистонда 336 та кўп қаватли уй бор. Шундан қанчаси мавсумга тайёр? Шундай савол билан бир неча мутасадди ташкилотга қилган мурожаатимизга жўяли жавоб ололмадик. 3-мавзеддаги хонадонларни кўздан кеңиб, бу ерда фаолият юритаётган уй-жой ширкатлари ишлари билан танишдик. «Меҳор» дея номланувчи ширкат тасарруфига кирувчи 11-тўрт қаватли уйда яшовчи аҳоли ўтган қишда иссиқсиз қолди. Оқибатда аризабозлик, асабузарликлар кўпайди. Шаҳар маъмурулари ахволни ўнглашни ўз гарданларига олишганди. Аммо, ҳалихануз бирор иш бажарилганича йўқ. Ширкат тасарруфидан бундан 20 йил илгари қурилган 13 та уй бирор мартаба ҳам таъмирланмади. Юқори қаватларга на иссиқ ва на совуқ сув чиқади. Ертўраларни муттасил сув босишидан қувурлар занглаб ётибди.

Ширкат раҳбари Гулнора Жаласовадан маъмур ҳолатларни изоҳлаб беришни сўрадик.

— Уларни қиш мавсумига тайёрлаш, таъмирлаш каттагина маблағни талаб этади. Бизнинг эса бундай кенг кўламли юмушларни удалашга қурбимиз етмайди, — деди у. — Тўғри, аҳолидан йиғиб олинган бадаллар ҳисобидан 4-5 та уйни таъмирлашга эришдик. Бу — муаммо ҳал бўлди, дегани эмас-да. «Бинокор» уй-жой ширкат раҳбари Ориф Салимовни 10-уй ертўласидан топдик. Ориф ака резина этикда сув кечиб юрарди.

— 9-кўп қаватли уй ҳам мана шу ахволда, — деди у. — Ходимларимиз олти ойдан буён маош ҳам олишгани йўқ.

Мавзеддаги кўп қаватли уйлар бирдангина шу ҳолатга тушгани йўқ, албатта. Бу — йиллар давомидаги лоқайдлик меваси. Аини пайтда «Уй ширкатни, у жавоб берсин», дея осонгина масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилмоқчи бўлганлар ҳам бор. Аиниқсоғи, вилоят, шаҳар уй-жой коммунал хўжалиқлари мутасаддиларидан шундай жавобни эшитдик. Ширкатлар эса йиғилди қолган муаммоларни бартараф этишга қодир эмас. Уртада аҳоли азият чекапти, ҳолос. Мана, бу фикрга қулоқ тутиб кўринг-а:

— Кўп қаватли уйнинг 4 қаватида яшаймиш, — дейди Ширкат Жангиров. — Тумани ўзимиз таъмирлаймиш. Иссиқ тугул совуқ сув ҳам йўқ. Боз устига ертўлада тўпланиб, узоқ туриб қолган сув хидидан димоқ ёрилай дейди.

Қисқаси, Гулистондаги кўп қаватли уйларда муаммолар кўп. Нима бўлганда ҳам бу йилги қиш Гулистонни четлаб ўтсин-да. Акс ҳолда...

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ЯКУНЛАНДИ

Ўзэкспомарказда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда Буюк Британиянинг «ITE Group Plc» кўргазма компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган наватдаги Тошкент халқаро туристик ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда Австрия, Германия, Италия, Таиланд, Ҳиндистон, Туркия каби йиғирмага яқин мамлакатнинг қарийб икки юзта компания ва фирмаси қатнашди.

Уч кун давом этган мазкур йирик сайёҳлик анжумани иштирокчилари жаҳон туризмнинг илғор ютуқлари ва истиқболлари, тўпланган ибратли тажрибалар хусусида фикр алмашди. Кўплаб нуфузли компаниялар ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Шу билан бирга, бу соҳада эндигина фаолият бошлаган хусусий фирма ва меҳмонхоналарнинг тақдими уюштирилди.

Энг асосийси, хорижлик меҳмонлар дунёдаги ҳозирги нотинч вазиятда она заминимиз тинчлиги ва осойишталигига бевоқифа гувоҳ бўлибгина қолмай, шу осуда осмонимиз остида бир неча кун мобайнида кизгин ва самарали ишлади, хордик ҳам чиқарди.

(ЎзА).

«Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компанияси Олот экспедицияси бургуловчилари томонидан янги газ қони очилди. Бу ердан олинаётган газ ўзининг сифати ва аралашмалари камлиги билан ажралиб туради.

Янги қон очилди. Айтиш кераки, бу қон геологларимиз ва бургучиларимиз томонидан очилган биринчи истиқболли қон эмас, — деди экспедиция бошлиғи Р.Божожнов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Кейинги йилларда Муллаҳон нефт қони ва бошқа бир нечта янги қонлар очилди. Бу қонлар мамлакатимиз иқтисодий етини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Пойтахтимиздаги «Адолат-Химоя» адвокатлик фирмаси ходими Отабой Раҳмонов ҳузурда ўтирган миқоз Людмила Ким ўзи ташвиши хусусида сўзлаб, маслаҳат сўрайди. Айтишича, аёлнинг умрдош ўзи биллиб-билмай, ноқўя ишга қўл урибди. Оқибатда устидан жиний иш кўзгатилибди.

— Терговчи етти-саккиз йил ҳазо берилиши мумкинлиги тўғрисида айтаяпти, — деди аёл кўзига ёш олиб. Адвокат унга синчков назар ташларкан, тушунча беришга тутинди.

— Республика Президентининг Олий Мажлисининг энг сўнги сессиясидаги маърузасини эсга олайлик, — деди у газета таҳлавларини варақларкан. — Унда Юртбошимиз қонунларимизни эркинлаштириш юзасидан гоятда қимматли тақлифлар киритди. Шунга кўра, ҳозир амалда бўлган Жиноят Кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Сўнгра адвокат миқозга ҳуқуқ-тартибот тизимида ислохотлар қандай амалга ошириляётганлиги, қонунчилигимизда халқимизнинг удумларига мос қелган ўзаро мурося, яраштирув, зарарни қоплаб, ишни ҳаракатдан тўхтатиш каби усуллардан кенг фойдаланишга ўтиляётганлигини алоҳида таъкидлади. Шу жиҳатдан қараганда, турмуш ўртоғи етказилган зарарни, бошқа сарф-харажатларни ўз ҳисобидан қопласа, балки иш судгача етиб бормаслиги мумкинлигини етиги билан тушунтирди.

Биз демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил боряп ва унинг ўлимига сабабчи бўлган. Иш судга оширилди. Миробод туманидаги 2-ҳуқуқий маслаҳатхона мудири бўлиб ишляётган химоячи мумкин.

Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Гулнора Эшонхонова билан мулоқотда бўлдик. — Давлатимиз раҳбарининг қонунларимизни одобли, жонқуяр, ҳалол, инсофли бўлиши, ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши, хизмат фаолиятини амалга оширишда касб этикасиға қатъий амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Гулнора Эшонхонова билан мулоқотда бўлдик. — Давлатимиз раҳбарининг қонунларимизни одобли, жонқуяр, ҳалол, инсофли бўлиши, ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши, хизмат фаолиятини амалга оширишда касб этикасиға қатъий амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Демократик-ҳуқуқий жамият сари

Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Гулнора Эшонхонова билан мулоқотда бўлдик. — Давлатимиз раҳбарининг қонунларимизни одобли, жонқуяр, ҳалол, инсофли бўлиши, ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши, хизмат фаолиятини амалга оширишда касб этикасиға қатъий амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Гулнора Эшонхонова билан мулоқотда бўлдик. — Давлатимиз раҳбарининг қонунларимизни одобли, жонқуяр, ҳалол, инсофли бўлиши, ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши, хизмат фаолиятини амалга оширишда касб этикасиға қатъий амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Тошкент шаҳар адвокатлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Гулнора Эшонхонова билан мулоқотда бўлдик. — Давлатимиз раҳбарининг қонунларимизни одобли, жонқуяр, ҳалол, инсофли бўлиши, ўз касб вазифасини сидқидилдан бажариши, хизмат фаолиятини амалга оширишда касб этикасиға қатъий амал қилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

АДВОКАТ

Бурчи ва масъулияти ҳақида мулоҳаза

Демак, ҳар бир ҳаракатимиз, ҳар бир ташлаган қадамимиз қонун тарозуси билан ўлчанган бўлмоғи даркор. Бу борада адвокатлар зиммасида ҳам алоҳида масъулият ётади. Ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳрининг ўзидagina 2000 нафарга яқин адвокат фаолият кўрсатади. Улар фуқароларга ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш, уларнинг манфаатларини химоялаш борасида кенг қўламли ишларни амалга оширишяпти. Шу ўринда бир ҳаётий мисол келтирсак.

13-шаҳар қасалхонасининг жарроҳи Владимир Кобзеев туҳматга дучор бўлди. Эмишкис, у қорнидан пичоқ ёб, қасалхонага мушқул ахволда олиб келинган миқозни маст ҳолатда операция қилган.

А.Карпунин бу мураккаб вазифани ўз зиммасига олди. Бой тажриба, билимга эга бўлган химоячи бор кучини ишга солиб, жарроҳ операция кунини ҳеч қандай ичимлик истемвол қилмаганлигини аниқ далиллар билан исботлаб берди. Натижада суд В.Кобзеевга нисбатан оқлов қарори чиқарди.

Ҳозирги кунда ўз ишини фидойиси, билимдони бўлган кўплаб адвокатлар фаолият юритмоқдалар. Улар қаторига Собир Раҳимов туманида иш олиб бораётган Юсуф Ибрагимов, шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳатчи-адвокат Рудольф Амбарумов, Шайхонтоҳур туманидан Фиёс Намозов, Миробод туманидан Абдурашид Алиқуловларни кўрсатиш

жаҳон андозалари даражасига кўтарши борасидаги саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари асосида кенг қўламли фаолият олиб борилмоқда, — дейди у. — Хур Ўзбекистонимизнинг бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шу йили Буюк Британияда бўлиб, Лондон ва Кембридж шаҳарларида гоятда бой, қимматли тажриба ортириб қайтдилар. Эндиликда улар амалий фаолиятимизда гоятда асосатмоқда.

Адвокатлик фаолияти, унинг бурч ва масъулияти ҳақида мулоҳаза юритган эканмиз, куйидаги ларни четлаб ўтиб бўлмайди. Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси таъсис сьезида тасдиқланган «Адвокатлар касб этикаси Қоидалари»да улар хушмуомала,

ган. Бироқ, бахтга қарши, ҳар доим ҳам шундай бўляётгани йўқ. «Менинг ўғлим жиноят устида қўлга тушди, — деб ёзади мушаррайларимиздан М.Абдуллаева. — Биз Жиззах вилоят адвокатураси ҳисобида турувчи химоячи билан шартнома туздик. Таъкидлаш жоиз, ўғлимнинг айби рад этиб бўлмас далаиллар асосида исбот қилинган. Бироқ, адвокат жиноятни содир этишга олиб келган сабабларни пухта ўргангани, судда албатта ютиб чиқилиши қайта-қайта уқитирди. Лекин, адвокатнинг ниҳоятда ожизлиги суд жараёнида маълум бўлди. Ўғлим узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди...»

Шу ўринда «Адвокатлар касб этикаси Қоидаларининг 4-5-моддаси



ДУШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлилнома»... 16.55 М. Шайхзода «Мирзо Улугбек»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.40 Кўрсатувлар дастури. 9.45 «Давр тонги». 10.45 Яқшанбада қуришгунча...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

СЕШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 Мультифильм...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

ЧОРШАНБА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 Мультифильм...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

ПАЙШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 Мультифильм...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00 14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

ЖУМА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 Мультифильм...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

ШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». 9.15 Мультифильм...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30 - 8.00 13.00 - 14.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИ-НИЕСИ...

ЯКШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Кайфият» дастури...

ТЕННИСЧИЛАРГА СОВГА

Бухоро шаҳрида яшовчи 50 нафар ёш теннисчининг кувончи чексиз. Вилоят теннис федерацияси кам таъминланган оилаларда истиқомат қилаётган ёш ракетка усталарнинг ҳар бирига янги ракетка, теннис тўпи ва спорт кийими совға қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Фулом Мўминовнинг таъкидлашича, ҳозирда Бухорода катта теннисга алоҳида эътибор қаратилган. Эндиликда юртимиз вакилларининг ҳалқоро мусобақаларда янада муваффақиятли иштирок этиши учун ёш теннисчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш изчил давом этирилади.

(ЎЗА).

Маънавиятимиз сарчашмалари

«АВЕСТО» ВА «ШОҲНОМА»

Девларнинг вожгуна эканлигини билган Рустам: — Мени тоққа ургинким, сендек номарднинг қўлида ҳалок бўлганимни ҳеч ким билмасин, - дебди. Шунда Акван дев Рустамни дарёга ташлайди. Таҳиявон сузиб соҳилга чиқади ва Раҳишга миниб, навбатдаги олишувда Акванни ўлдирди.

Барча шарқшунослар «Исфандиёр», «Афросиёб», «Яман шоҳининг Фаридун фарзандларини имтиҳон қилиши», «Ардашер» дostonларида «Авесто»нинг тасвири борлигини уқтиришган. Маълумки, «Авесто»да Митранинг яқин кўмакдоши Вертрагна «танаси, ҳатто томирлари ҳам темирдан», дея таърифланган. Унга ҳеч қандай қурол таъсир этмайди, ўтда куймайди, яъни ўт темиртироқ. Фирдавсийнинг тасвирида, табиатан бойлик, тахтага ўч бўлган Гуштасп қариб-қартайиб қолган бўлса ҳам ҳокимиятдан воз кечгиси келмайди. Ўғли Исфандиёр эса, иложи бўлса, тахтни тезроқ эгаллаш пайида. Буни сезган подшоҳ ўғлини чағитиш, бир амаллаб йўқ қилиш мақсадида хатарли жангга жўнатади. Ёш Исфандиёр барча топшириқ ва шартларни, мардонавор бажаради; Эроннинг энг хавфли душмани гургисарларни таслим этади. Энди Гуштасп олдида икки йўл қолади: ё тахтни Исфандиёрга топшириши керак ёки... Подшоҳ энг хатарли йўлни танлайди: у Исфандиёрга шундай дейди: Эй ўғлим, етти иқлим бизнинг тасарруфимизда. Аммо Золнинг фарзанди Рустам на сенинг (Охири. Боши ўтган сонда).

ёрни ўлдирди. Ўзи ҳам узоқ ўтмай ўғай укаси Шоғод қазиб қўйган қудуққа тушиб ҳалок бўлади. Демак, Фирдавсий Исфандиёр ҳамда Семурғ образларини яратишда ҳам «Авесто»даги далилларга суянган. Варага куши ҳам аҳдига вафодор, поктийнат одамларга бахт, зафар келтиради. Унинг

бир патини ўзида сақлаган одам ҳар қандай душманинги енгади. «Авесто»нинг икки жилдлик форсий таъбида Афросиёб ҳақида бешта нақл келтирилган. Уларнинг бирида «туроншоҳ» қалъаси икки тоғ оралиғида жойлашган бўлиб, бутун деворлари темирдан қўйилган, уни манжаник тошлари ҳам бузолмайди» дейилган. Бу далил икки жиҳатдан аҳамиятли: биринчидан, «Шоҳнома»да тасвирланган Афросиёб қалъасининг мустаҳкамлиги сабаби ойдинлашади; иккинчидан, милоддан олдинги мингинчи йилларнинг бошларидаёқ аждоқларимиз темирдан куйма девор қуришдек салоҳиятга эга бўлганликларини билиб оламиз.

Шаҳзода Сиёвуш тақдир ҳақидаги қисса, ривоят ва кўшиқ Шарқда кенг тарқалган ва оғиздан оғизга, китобдан китобга кўчиб юради. «Авесто»да ҳам Сиёвуш ҳақидаги лавҳалар тарқоқ ҳолда қолади. Аммо уларда Фирдавсийнинг «Сиёвуш» дostonидаги аксарият далиллар, деярли кўпчилик образлар зикр этилган.

Бундан ташқари, «Шоҳнома»да тасвирланган Баҳром Гур билан «Авесто»да маҳд этилган Баҳром образлари ўртасида жуда яқинлик бор. Ҳар икки асарда тасвирланишича, Баҳром энг учқур оху-ғўрни овлашда моҳир, жасоратда тимсолдир.

«Шоҳнома»даги Каюмарс, Таҳмурас, Хушанг, Жамшид, Фаридун, Заҳок, Кайковус, Кайхусрав ва уларнинг шажалари тасвиридаги воқеа ва далиллар «Авесто»даги тафсилотларга жуда яқин. Фақат «Авесто»да Заҳок олти кўзли-ю, уч бошли (подшоҳ елкасида ўсиб чиққан илонларнинг бошу кўзларини қўшиб) тарзида зикр этилган. Фаридун ўз мамлакатини учга эмас, тўртга бўлиб, Марказий ҳокимиятни ўз тасарруфи ва бошқарувида олиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, Абулқосим Фирдавсий дунё шеърятининг гулгоши бўлмиш «Шоҳнома»ни ёзишда халқ оғзаки ижоди, «Шоҳнома» Мансурлар билан бирга «Авесто»дан ҳам ижодий фойдаланган. Биргина Золи Зар бошчилигидаги Сиёвон баҳодирларидан ташқари қадимги Ажам шоҳлари ва улар замонада фаолият кўрсатган барча шахсларнинг «Авесто»да ҳар хил муносабатлар билан зикр қилинганлиги шундан далилат беради. Энг муҳими шундаки, шоир «Авесто»ни маърифат китоби, билимлар хазинаси, оғир дамларда инсон руҳиятини тетиклаштирадиган, мушкулларини ҳал этишга кўмаклаша оладиган бир дастуриламал сифатида ёзозлаган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, профессор.



Тўйда Миллий Спорт Мусобақаси

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан туманлардаги тўю тантаналарда миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш аъёнага айланди.

Кўни кеча ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Оққўрғон туман қасаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли қишлоқ спорт мактабида кўп йиллардан бери футбол мураббийси бўлиб, ёшларни спортга ошно этиб, миллионлар йўлини сир-асорларини ўргатиб келаётган Сулаймон Бойбўтаевнинг 50 ёшини нишонлаш футбол мусобақасига улаиб кетди. Мусобақада Тошкент вилоят фахрий-

Ташаббус қанот ёйди

лар футбол жамоаси билан Оққўрғон тумани футбол жамоаси ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. Ҳисоб — 2:1. Ғолиблик майдон эгаларига насиб этди.

Танаффус пайтидан ҳам унумли фойдаланиб, бокс бўйича спорт устаси Умид Тўрақулов, спорт усталарига номзод Фаррух Юсупов каби чарм қўлқоп усталари иштирокида кўрғазмали чиқишлар ташкил этилди.

— Тўйларда спорт тадбирларини ташкил этиш меҳмонлар кўнглини хушнуд қилиш билан бирга ёшларни оммавий спортга жалб этишда ҳам катта аҳамият касб этмоқда, — дейди вилоят қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкилий бўлими мудири С.Пўлатов. — Умидли спортчиларни етиштириб беришда Сулаймон аканинг ҳиссаси салмоқлидир, зеро унинг шоғирдлари бугун мамлакатимизнинг донги чиққан футбол жамоаларида — жумладан, «Бухоро», «Трактор», каби жамоаларда энг яхши ўйинчилар қаторида тўп сурмоқдалар.

Яқинда ўтказилган «Олимпиада умидларининг худудий мусобақаларида ҳам С.Бойбўтаев мураббийлик қилаётган футбол жамоалари биринчи ўринни эгалладилар.

М.ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

ФАН ТАРИХИ ЙИЛНОМАСИ

Ўзбекистонда педагогика фани кенг ривож топиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий текшириш институтининг хизмати катта, албатта.

Республикаимиздаги бу тўнғич илмий муассаса катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу ерда амалга оширилган илмий педагогик изланишлар ўз моҳияти эътибори билан педагогика фанининг долзарб масалаларини ёритишга қаратилди.

Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёш авлодини маънавий тарбиялаш шакл ва усулларига доир қатор тадқиқотлар юзга келди.

Педагогика фанининг йўриқномаси,

дастури тайёрланди. Уч жилддан иборат «Педагогика» дарслиги ҳамда икки жилдлик «Педагогика энциклопедияси» устида иш олиб борилмоқда. «Педагогика тарихи» деб номланган йирик қўлланма эса босилиб чиқди.

Бугунги кунда институт ўзининг «Янги педагогик технологиялар» лабораторияси, «Ахборот маркази»га ҳам эга. Бу ерда олиб борилаётган яна қатор йирик тадқиқотлар педагогика фанининг муҳим масалаларига қаратилган.

Бу ва шунга ўхшаш кўпгина тадқиқотлар жараёни яқинда чоп этилган йирик илмий тўпلامда ўз ифодасини топди. Бу нашр институтнинг 70 йиллик тарихига бағишланди.

Акбар АЛИЕВ



Нон таъми. Бу таъмдан лаззатлироғи йўқ. Азиз меҳмон олдида аввал боши нон қўйилиб, нон ушатилиши ҳам аслида шундан. Чунки унда замин меҳри, бобо деҳқон меҳнати мужассамдир.

ЯПОНЛАР ҲАМ ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ

Самарқанд Давлат чет тиллар институти англиз филологияси факультетининг III-курс талабаси Лутфулло Йўлдошев Москва шаҳрида МДХ мамлакатлари талабалари ўртасида япон тили бўйича ўтказилган нотиқлик санъати танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Танловда МДХдаги ўнлаб нуфузли университет ва институтлардан талабалар иштирок этди.

Лутфулло асосан англиз тилини ўрганаётган бўлса-да, қўшимча равишда япон тилини ҳам мукамал ўзлаштириб олган. Унинг бу борадаги истеъдодини устоз санъати танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Танловда МДХдаги ўнлаб нуфузли университет ва институтлардан талабалар иштирок этди.

Лутфулло асосан англиз тилини ўрганаётган бўлса-да, қўшимча равишда япон тилини ҳам мукамал ўзлаштириб олган. Унинг бу борадаги истеъдодини устоз санъати танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Танловда МДХдаги ўнлаб нуфузли университет ва институтлардан талабалар иштирок этди.

ди. Бундан аввал ҳам Марказий Осиё давлатлари талабалари ўртасида япон тили бўйича нотиқлик санъати танловида ушбу институт талабалари Дилафрўз Хусанова ва Азиза Равшанова ғолиб қилиб, амалиётни Япония университетларида ўтаган эди. (ЎЗА).

Карши шаҳрида «Аёллар маркази» фаолият кўрсата бошлади.

«Аёллар маркази» фаолият кўрсата бошлади. Марказнинг асосий мақсади оналар ва болаларни оиладан ажралмаган ҳолда соғломлаштириш ишларини йўлга қўйишдир. (ЎЗА).

АЁЛЛАР МАРКАЗИ

Бу ерда оналарга зарур тиббий билимлар берилади, бичиштиқиш, сартарошлик, пазандалик сингари касблар ўргатилади. Шунингдек, оила кураётган ёшлар марказ мутахассислари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади. Ёш оналар эса ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар.

Марказ ҳузурида 50 ўринли кундузги шифохона мавжуд. (ЎЗА).

Эл севган кишилар

зоқ Хожи давралар гули эди. Асакалик Ваҳобжон Рўзиматов ҳам дастлаби мусиқа таълимини Уста Нормат қўлида олган. Яқка-ю ёлғиз ўғли Фат-

бош чайқади: — Овора бўлманг ўғлим, бу ерда «Баёт»лари билан «Қора кўзим» сақланган ҳолос. Уларни қўйиб бериши. Уч-тўрт кўшиқлари ёзилган пластинкалари бор эди, йўқolib кетди. Набираларида яна уч-тўрт кўшиқлари сақланган, деб эшитганмиз, анигини билмайман. Қачонки Устани соғинмас шу ерга тўпланамиз, чойхоначидан илтимос қиламиз. — Аттанг, — дедик бош чайқаб. — Уша замонларда кўрик-танловлар ўтказилмасди. Агар шундай бўлганида овозларига мағнит тасмаларига ёзилиб қолган бўлармиди!

Пойгақроқда ўтирган узун соқоли нуроний суҳбатни давом эттирди: — Уста Норматнинг шоғирдлари ҳам таниқли санъаткорлар бўлиб етишишди. Марҳум Мўйдин Нишонов гижмак чалишда водийда донг чиқарган. Ҳаққулбодлик Урайимжон Қодиров, Худойберди машшоқ, Ко-

сон қилиш учун ҳар хил қироқлар, уй-рўзгор асбоблари ясаш билан ҳам шуғулланганлар. Уста танбур ва дутор ҳам ясардилар. «Уста Нормат ясаган дуторни чалиш шарт эмас, ўзи сайрайди», деган гап юрарди халқ орасида.

Бир дўстимиз чойхоначидан Уста Нормат ижро этган кўшиқлардан бўлса қўйиб беришни сурамоқчи бўлиб ўрнидан тураётганида ҳалиги кўзойнакли оқсоқол

Юрагимиздан бир алам ўтди. Нега ана шундай такрорланмас овоз эгаларининг хонишаларини сақлаб қолармиди? Ахир улар тенги йўқ маданий меросимиз эди-ку!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

УСТА НОРМАТ ХОНИШИ

Ногоҳ қайсидир хофизнинг салгина бўйиқроқ, аммо ширали овози янграй бошлади. Унинг хониши кечки қарғашойи атласидек биллинар-биллимас жимирлаётган кўл сувини силаб ўтаётгандек, кўкка буй чўзган асрий чинорлар узра қанот қоқайтгандек эди. Зум ўтмасдан кўпчилик гада-ғовури, шўхчан йиғитлар қаҳ-қаҳалари тиниб атроф сув сепгандек жимиб қолди. Бу ердагиларнинг бутун борлиги қулқоқ айланган, атрофда ёлғиз кўшиқ оҳангинга ҳукмронлик қилар, миллий санъатимиз дурдоналаридан ҳисобланган «Баёт-1» кўнгиларни сел мисол оқизарди. Сўнгра «Баёт-2», «Баёт-3», «Баёт-4» янгради.

Кейин магнитофон тасмаси ўзгарди ва қандайдир бошқа кўшиқ бошланди. — Уста Нормат бир келиб-кетди-да, — деди анча сукутдан сўнг бизга кўшни ўтирган оқсоқоллардан кимдир. — Ҳа, раҳматлик, устанинг овози бетакрор эди, — иккинчи оқсоқол шеригининг гапини маъқулади. Очиги, кўшиқ эгасининг кимлигини билолмасдан ҳайрон эдик. Шу боисдан кўшмилардан хофизнинг кимлигини суриштирдик. — Афсус, ҳозирги ёшлар билишмайди-да Уста

Норматнинг кимлигини, — кўз ойнакли қария бош чайқаганича изоҳ берди. — Тугма истеъдод эди у ўтма раҳматли. Хофиз бўлиб тутилган, дейишди бундайларни. Уша даврда водийда у билан тенглаша-

диган топилмасди. Фарғонадами, Андижондами қандайдир каттароқ йигин бўлса Устанинг иштирокисиз ўтмасди. Катта Фарғона канали қурилишининг бошидан охиригача Уста Норматнинг хониши янграган. Нега марта Тошкентда ўтган катта сайилларда хофиз ўз истеъдодини намойиш этган. — Нима учун «Уста» деб аташган, устозлик ҳурматлари учун бўлса керак-да? — Сабаби Нормат ака кўли гул инсон эдилар. Чин маънода у кишининг қўлларидан келмайдиган иш йўқ эди. Наманганда

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимуҳжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар булимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.